



2020 yil 6 май

537-Қ - sonli

Ishtixon sh.

Фуқаро Усманов Элёрга “Кўтарма” МФЙ “Кўтарма” массиви худудидан “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида нодавлат умумтаълим ташкилоти” ташкил этиш ва қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойиларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида фуқаро Усманов Элёрнинг “Кўтарма” МФЙ “Кўтарма” массиви худудидан “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида нодавлат умумтаълим ташкилоти” ташкил этиш ва қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 6-моддасига асосан:

ҚАРОП ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойиларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Усманов Элёрга “Кўтарма” МФЙ “Кўтарма” массиви худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобидаги ер майдонида “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида нодавлат умумтаълим ташкилоти” ташкил этиш ва қуриш учун 0.15 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Усманов Элёрга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш, вилоят шаҳарсозлик кенгашидан тасдиқлатиш, ҳамда Давлат архитектура қурилиш назорат инспекциясидан қурилиш ишларини бошлашга руҳсат олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (Б.Игамкулов)га фуқаро Э.Усманов билан биргаликда инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва лойиҳани назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (А.Мурадов)га “Давлат-хусусий шерикчилиги асосида нодавлат умумтаълим ташкилоти” биносини қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Ибрагимов, У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов